

# КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА НАМУНАЛАРНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИЛИК ҲУСУСИЯТЛАРИ.

ҚарМИИ “Қишлоқ хўжалик  
маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки  
ишлаш технологияси” кафедраси  
ассистенти Азимова М.

УДК: 633.11:631.52

**In recent years climate change in the southern areas of the Republic is observed. It is expressed to that during the spring periods much less precipitation began to drop out, than in previous years and the drought is more often observed. And the drought as it is known negatively influences productivity and efficiency grain and grains of cultures.**

**The purpose of the conducted research is that at studying of reaction to a drought of different grades, to allocate grades of wheat steady against a drought.**

Республикада бошоқли дон экинларининг самарадорлигини янада оширишда буғдойнинг янги навлари муҳим аҳамият касб этади. Яратилаётган навлар сермахсул, донининг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши билан биргаликда касалликларга, иссиқлик ва қурғоқчилик чидамли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг иқлим шароити кескин континентал бўлганлиги сабабли, кечпишар навларнинг дон тўлишиш даврида ҳаво ҳарорати юқори бўлиши таъсирида донни чангланиш жараёни бузилиши ва доннинг пуч бўлиб қолишига ҳамда маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашмаганлиги оқибатида доннинг мажбуран пишишига олиб келмоқда [Умиров Н.Ж., Хайитбоев А.Х., Нурбеков А.И., 2004]. Ҳамда бунинг оқибатида ҳосилдорлик ва ҳосил сифатининг сезиларли даражада камайиши кузатилмоқда. Шу сабабли Республикаимизнинг суғориладиган майдонлари учун ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни яратиш ва танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Ўсимликнинг ҳосил берадиган маҳсулдор қисмининг шаклланиши даврида ҳавонинг юқори ҳарорати ҳаводаги паст нисбий намлик билан омукта бўлиши (кўшилиши) тупроқдаги намликнинг етишмаслиги ҳамда бошқа омиллар бошоқдаги дон вазнини ва дон сонини пасайтиради ҳамда оталик чангчиларининг пуштсизлигини тезда ошириб юборади [Мешкова Л.В., 1979].

Янги серҳосил юқори сифатли ва маҳсулдорлик имкониятларига эга, иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли навларни яратиш учун энг аввало мазкур талабларга тўла жавоб берадиган бошланғич манбаларни

аниқлаш ва улар асосида янги навларни яратиш селекционер олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий навлар селекция учун қимматли бошланғич ашё бўлишига қарамай улар ягона манба бўлмайди. Мазкур маҳаллий навлар юқори экологик мослашувчанлик хусусиятига эга бўлсаларда, ҳар доим ҳам янги селекцион навлар яратиш учун талаб қилинадиган сифатга эга эмаслар [М.Умарова, 2008]. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш талабларига тўла жавоб берадиган навлар яратиш ҳамда ҳорижий мамлакатлар навларидан фойдаланиш борасида селекция ишида чет эл олимлари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бу борада бошланғич манбалар сифатида жаҳон коллекцияларидан келтирилган нав ва намуналар Республикамиз иқлим шароитида ўрганилиб, уларнинг қимматбаҳо белги ва хусусиятлари асосида маҳаллий шароитда яратилган навлар камчиликларини тўлдириш ёки уларнинг имкониятларини ошириш мумкин.

Келгусида табиатнинг ноқулай омиллари (иссиқлик, қурғоқчилик, гармсел ва бошқалар) таъсирида ҳам бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида ИКАРДА халқаро ташкилотининг коллекция намуналаридан 31 та янги линиялари олиб келиниб, Қашқадарё вилояти шароитида уларнинг белги ва хусусиятлари ўрганилди. Бунда янги линияларни ўрганишда андоза нав сифатида дунёнинг қурғоқчил минтақаларида экилиб келинаётган Gerek, Mufitbey, Karahan-99, Sonmez 01 ва Республикамизда районлаштирилган Яксарт навлари танлаб олинди. Қарши тумани тажриба даласида икки қайтариқда ҳамда баҳор мавсумида икки мартаба суғориш орқали тажриба ишлари олиб борилди. (1-жадвал).

### Нав ва намуналарнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари.

1-жадвал

№	Нав номи	Бошоқлаш-гача бўлган кун	Пишиш-гача бўлган кун	Ўсим-лик бўйи, см	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқ-доғи бошоқ-чалар сони	1000 та дон вазни, гр	Ҳосил-дорлик, ц/га
1	GEREK	169	204	86	10	17	29,8	34,9
2	MUFITBEY	176	184	88	9	19	33,7	31,0
3	KARAHAN-99	171	203	88	10	17	32,7	31,6
4	SONMEZ01	170	204	98	10	17	33,6	43,7
5	Yaksart	171	202	70	8	17	32,2	37,1
6	SHARK/F4105W2.1//QT6258 /3/SHARK/F4105W2.1	170	202	81	11	17	35,4	36,1
7	T67/X84W063-9-45//KARL92/3/GUN91/MNCH	170	204	86	11	18	33,9	44,1
8	JCAM/EMU//DOVE/3/ J/ JGR/4/TH K/5/ ВОЕМА	173	201	87	9	16	31,0	40,6
9	KS920709-B-5-1-/BURBOT-4	174	208	78	10	20	38,1	50,3
10	AB186.3414/JGR//K92/3/PEWIT1/4/GK	173	204	85	8	16	34,7	47,9
11	LR64/IZ1813//093- 44/3/NO57/4/SUT66	168	202	90	12	20	29,5	46,7

12	ATILLA*2/PWB65//YAKAR	171	201	83	9	18	33,0	49,8
13	KARL/OR83007664//RINA-6	167	200	87	9	16	37,6	51,7
14	J15418/MARAS//SHARK/F4105W2.1	168	202	77	9	18	33,1	46,5
15	ADMIS/5/SMB/HN4//SPN/WTS//YMH/HYS/4/SAB	169	203	84	12	18	33,7	49,6
16	DORADE-5/3/ES14/STTA//AGRI/NAC	169	203	84	11	21	29,4	48,9
17	RINA-6/4/BEZ/NAD//KZMES85.24 /3/F900K	169	202	95	12	19	37,7	49,7
18	W0405D/HGF112/W7469C/HCF012/3/MERCAN-2	175	205	87	9	17	30,5	46,6
19	TARP#1/YACO/3/KAUZ*2/TRAP//KAUZ /6/SN64//SKE/2/*ANE/3/SX/4/BEZ/5/JUN/7/SHRK-	173	202	79	9	16	29,7	49,3
20	MVDALMA//SHARK/F4105W2.1	167	202	93	11	17	34,6	45,2
21	POLOVCHANKA/PEHLIVAV	171	205	92	10	20	38,2	43,4
22	JCAM/EMU//DOVE/3/ J/ JGR/4/TH K/5/ BOEMA	173	204	87	9	18	31,5	44,0
23	JARUMBA/LAMR-R32//PICAREL-1	169	203	101	9	17	31,3	47,9
24	SERI.1B*2/3/KAUZ*2/BOW//KAUZ	164	203	90	11	18	32,9	49,8
25	ATILLA*2/PBW65//YAKAR	168	201	98	11	18	33,2	39,4
26	GANSU-1/MEZGIT-4	171	202	89	11	20	28,4	42,2
27	SERI.1B*3/KAUZ*2/BOW//KAUZ/4/BECUNA/6	166	200	86	10	18	29,2	35,7
28	KARL//CTK/VEE/3/F1502W9.01/4/STEPHNS	170	202	87	10	18	37,3	45,3
29	VA01W-145/TX99D4628	176	205	95	8	17	33,4	33,5
30	AR800-1-3-1/WX03ARS0047	167	203	82	11	18	31,2	40,1
31	SWM866442/OK95548 F4. 12	168	201	82	8	15	29,3	37,8
32	W99-331/97x0906-8	168	201	83	9	17	28,2	41,7
33	CO980829/TAM111	173	202	72	9	18	26,6	44,5
34	CV.RODINA/AE.SPEL TOIDES(10KR)	175	206	88	10	17	26,5	31,2
35	ALIYA	175	202	89	9	20	33,8	34,5
36	BAYRAKTAR 2000	165	201	96	9	17	29,5	34,1

Қурғоқчиликка чидамликни белгилашда “униб чиқиш-бошоқлаш” даври муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич навларнинг пишиш муддатларини белгилаб беради ва дон тўлишини таъминлайди. Бу эса доннинг тўлиқ етилиши демакдир. Донни етилиши қанчалик қисқа бўлса дон ҳосили ва 1000 дона вазни кам бўлиши олимларимиз томонидан кузатилган. Тажрибамизда нав ва намуналарнинг “униб чиқиш-бошоқлаш” даври 164-176 кунлар оралиғида ўтди. Стандарт нав сифатида экилган бешта навлардан эрта бошоқлаш фазасига кирган намуналар сони 11 тани ташкил этганлиги кузатилди. Жумладан, SERI.1B\*2/3/KAUZ\*2/BOW//KAUZ /4/BUROT-4/5/BOEMA намунаси 164 кунда, BAYRAKTAR 2000 намунаси 165 кунда, SERI.1B\*3/KAUZ\*2/BOW//KAUZ/4/BECUNA/6 намунаси 166 кунда тўлиқ бошоқлаш фазасига ўтди ва селекция ишларида фойдаланиш учун танлаб олинди.

“Униб чиқиш-пишиш” даври энг қисқа бўлган эртапишар нав ва намуналарни ажратиб олиш айниқса катта аҳамиятга эга. Бундай нав ва намуналар эртапишарлиги боис куннинг иссиқ кунларига қолмасдан дон тўлишиш даври нормал ўтади ва ҳосилдорлик, дон сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Нав ва намуналарнинг “униб чиқиш-пишиш” даври 200-208 кунлар оралиғида ўтди. Стандарт нав сифатида экилган бешта навлардан “униб чиқиш-пишиш” даври қисқа бўлган эртапишар намуналар

сони 15 тани ташкил этганлиги кузатилди. Жумладан, SERI.1B\*/3/KAUZ\*2/BOW//KAUZ/4/BECUNA/6, KARL/OR83007664//RINA-6 намуналари 200 кунда, ATILLA\*2/PWB65//YAKAR, BAYRAKTAR 2000, ATILLA\*2/PBW65//YAKAR, SWM866442/OK95548 F4. 12, W99-331/97x0906-8, JCAM/EMU//DOVE/3/ J/ JGR/4/TH K/5/ BOEMA каби намуналарнинг униб чиқиш-пишиш даври 201 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Юқорида келтирилган намуналар эртапишарлик хусусиятларига кўра танлаб олинди.

Нав ва намуналарда бошоқ узунлиги ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Намуналарнинг бошоқ узунлиги 8-12 см оралиғида эканлиги кузатилди. Узун бошоқли намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам юқори бўлиши аниқланди. ADMIS/5/SMB/HN4//SPN/WTS-//YMH/HYS/4/SAB, LR64/IZ1813//093- 44/3/NO57/4/SUT66/5/SABALAN/6/-BEZ/TVR/3/KREMENAL/LOV29, RINA-6/4/BEZ/NAD//KZMES85.24 /3/F900K намуналарда бошоқ узунлиги 12 см ни ташкил қилди.

Қурғоқчил шароитда буғдой ўсимлигининг сув режими аста-секин бузилиб боради. Одатда қурғоқчилик ўсимликни нобуд бўлишига олиб келмайди; моддалар алмашинуви бузилади, натижада бошоқлар сони, бошоқдаги дон сони ва 1000 дона дон вазни камаяди. Қурғоқчил шароитда донларнинг нормал тўлишиши яъни 1000 дона дон вазни ҳосилдорликка ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўрганилган нав ва намуналаримизда 1000 дона дон вазни 26.5 грдан 38.2 гр гача эканлиги кузатилди. Стандарт навларга нисбатан 1000 дона дон вазни юқори бўлган намуналар сони 9 та эканлиги аниқланди ва оғирлиги ҳамма мос равишта 33.9-38.2 гр ни ташкил этди. 1000 дона дон вазни юқори бўлган намуналарда ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам юқори бўлди. Намуналарнинг 1000 дона дон вазни POLOVCHANKA/PEHLIVAV намунасида 38.2 гр, KS920709-B-5-1-/BURBOT-4 намунасида 38.1 гр, RINA-6/4/BEZ/NAD//KZMES85.24 /3/F900K намунасида 37.7 гр, KARL/OR83007664//RINA-6 намунасида 37.6 гр, KARL//CTK/VEE/3/F1502W9.01/4/STEPHNS намунасида 37.3 гр, SHARK/F4105W2.1//QT6258 /3/SHARK/F4105W2.1 намунасида 35.4 гр эканлиги кузатилди.

Селекция жараёнида танлаб олинган намуналар фақат маҳсулдорлик бўйича баҳоланади, чунки улар оз ва кичик майдончаларга экилади. Кейинчалик коллекция намуналарининг ҳосилдорлиги аниқлангандан сўнг ҳам маҳсулдорлик бўйича баҳолаш ўз имкониятини сақлаб қолади. Буғдойнинг ҳосилдорлиги маҳсулдор поя сони, бошоқдаги дон сони, 1000 дона дон вазни каби кўрсаткичлар билан белгиланиб, кўп ҳолларда ўсимликнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари навнинг ҳосилдорлигини

белгилайди. Тажрибада ўрганилган намуналарнинг ҳосилдорлиги 31 ц/га дан 51,7 ц/га чани ташкил этди. Стандарт навларга нисбатан юқори ҳосил берган намуналар сони 18 тани ташкил этди. KARL/OR83007664//RINA-6 намунаси 51.7 ц/га, KS920709-B-5-1-/BURBOT-4 намунаси 50.3 ц/га, ATILLA\*2/PWB65//YAKAR намунаси 49.8 ц/га, SERI.1B\*2/3/KAUZ\*2/BOW//KAUZ /4/BUROT-4/5/BOEMA намунаси 49.8 ц/га, RINA-6/4/BEZ/NAD//KZMES85.24 /3/F900K намунаси 49.7 ц/га, ADMIS/5/SMB/HN4//SPN/WTS//YMH/HYS/4/SAB намунаси 49.6 ц/га ҳосилдорликка эга эканлиги кузатилди.

Демак қурғоқчиликка чидамли навлар яратишда эртапишарлик, маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори (бошоқ оғирлиги, бошоқчалар сони, 1000 та дон вазни), ҳосилдор навларни танлаш катта аҳамиятга эга эканлигини такидлаш жоиздир. Тажрибамиз натижасида эртапишар, 1000 дон дон вазни юқори, маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган намуналарнинг ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлди ва танлаб олинди. Танлаб олинган намуналар қурғоқчиликка чидамли навлар яратишда селекция ишларида фойдаланишга ҳамда чатиштиришлар ўтказишга тавсия этилди.

## **АДАБИЁТЛАР**

- 1. Умиров Н.Ж., Ҳайитбоев А.Х., Нурбеков А.И. Юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекция намуналаридан бошланғич материаллар. Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конф. Т.2004**
- 2. Умаров М, “Ўзбекистонни суғориладиган ерларда юмшоқ ва қаттиқ буғдой селекцияси учун бошланғич манба яратиш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, Т.2008.**
- 3. Мешкова Л.В. Популяционно- генетическая характеристика возбудителя бурой ржавчины пшеницы и генофонд устойчивости к нему в Западной Сибири. Автореф. дисс.к.биол.наук Л.1979.С.17.**

**Агро-илм 4(32) сон 2014 15-16-17 бетлар**

**М.Азимова**

**ДДЭИТИ Қашқадарё филиали катта илмий ходим изланувчиси**

**Ш.Дилмуродов, тадқиқотчи**